

- текширишда қатнашган аудиторлар ва унинг ёрдамчисининг бажарилган аудиторлик амаллари натижаларининг фирма ички стандартларига мувофиқлигини расмийлаштириш;

- аудиторларнинг экспертлар, мутахассислар ва консультантлар билан музокаралари нусхаси.

Ушбу жараёнда олинадиган далиллар аудиторлик хуносасининг аниқлиги, түғрилиги ва ишончлилигининг янада ортишига хизмат қиласи. Аудит мақсадларини тұлақонлы амалга оширишда аудиторлик далилларининг ақамиятими оширади ва аудиторлик ҳисоботи учун асос ҳисобланади.

Манба ва фойдаланылган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини құллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар түғрисида" 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сонли фармони.
2. Дусмуратов Р.Д. Аудит асослари. – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий нашиёти, 2003. – 612 б. 139-б.
3. Қўзиев И.Н. Аудиторлик ҳисоботларини тузиш ва уларни умумлаштириш: назария ва методологик масалалар. Монография. – Т.: Iqtisod-moliya, 2015. 58-бет.
4. Российская Федеральные правила (стандарты). № 5 «Аудиторские доказательства».
5. Остаев Г.Я., Концевой Г.Р. Особенности сбора аудиторских доказательств. // Бухгалтерский учет в бюджетных и некоммерческих организациях. 2015. № 15. С. 56-72.
6. Шеремет А.Д., Суйц В.П. Аудит. – М.: ИНФРА-М, 2006. – 448 с. С. 204.
7. Аудитнинг халқаро стандарты. 230-“Аудитни ҳужжатлаштириши”.
8. Аудитнинг халқаро стандарты. 500-“Аудиторлик далиллари”.
9. Кочинев Ю.Ю. Аудит: теория и практика. – СПб.: Питер, 2009. С. 101-120.
10. Остаев Г.Я., Концевой Г.Р. Особенности сбора аудиторских доказательств. // Бухгалтерский учет в бюджетных и некоммерческих организациях. 2015. № 15. С. 36-42.
11. Сербина О. Аудиторские доказательства: что изучает аудитор. // Расчет. 2016. № 4.
12. Очилов Ф.Ш. Мажбуриятлар ҳисоби ва аудитини тақомиллаштириш мавзусидаги докторлик диссертацияси автореферати. 14.01.2022. – 51 бет.



БОШҚАРУВ ҲИСОБИ РИВОЖЛАНИШИННИГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

 https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a24

Маннапова Раъно Аброровна -

Тошкент молия институти
Бюджет ҳисоби ва ғазначилик иши
кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация. Мазкур мақолада бошқарув ҳисобининг иқтисодиётда тутған ўрни ва ривожланиш тенденциялари, бошқарув ҳисобини ташкил этиш, бошқарув ҳисобининг ривожланиш босқичлари, бошқарув ҳисоби мөхияти, бошқарув ҳисоби ривожланиш даражасининг хорижий тенденциялари йўналишлари тадқиқ қилинган.

Асосий тушунчалар: иқтисодиёт, бошқарув ҳисоби, таннарх, калькуляция, методология, бухгалтерия ҳисоби, ҳисобот, тенденция, KPI-технологияси.

СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ УПРАВЛЕНЧЕСКОГО УЧЕТА

Маннапова Рано Аброровна -
старший преподаватель кафедры
“Бюджетного учета и казначейства”
Ташкентского финансового института

Аннотация. В данной статье исследованы роль и тенденции развития управлеченческого учета в экономике, организация управлеченческого учета, этапы развития управлеченческого учета, сущность управлеченческого учета, зарубежные тенденции в уровне развития управлеченческого учета.

Ключевые слова: экономика, управлеченческий учет, себестоимость, расчет, методология, бухгалтерский учет, отчетность, тенденция, KPI-технология.

MODERN TENDENCIES OF MANAGEMENT ACCOUNT DEVELOPMENT

Mannapova Ra'no Abrorovna -
*Senior Lecturer, Department of Budget Accounting
 and Treasury, Tashkent Financial Institute*

Abstract. This article examines the role and trends in the development of management accounting in the economy, the organization of management accounting, the stages of development of management accounting, the essence of management accounting, foreign trends in the level of development of management accounting.

Keywords: economics, management accounting, cost, calculation, methodology, accounting, reporting, trend, KPI technology.

Кириш. Сўнгги йилларда бошқарув ҳисоби тизими янада кенг тарқалмоқда. Бу эса самарали бошқарув қарорларини қабул қилишга қаратилган ўзига хос имманент предмет, объект ва воситалар билан тавсифланадиган янги илмий-амалий ҳисоб йўналиши сифатида ўз-ўзини идентификациялаш ҳақида гапириш имконини беради. Мамлакатимизда бошқарув ҳисоби тизимининг фаол ривожланиш даври XX асрнинг сўнгги ўн йиллигига тўғри келади ва бугунги кунда у илмий муҳитда ҳам, корпоратив муҳитда ҳам умумий эътироф этилганлигидан далолат бериб турибди, унинг алоҳида элементларидан мамлакат хўжалик бирликларининг ҳисобтаҳлий ишида фойдаланиш самарадорлиги эса мутахассислар ва амалиётчиларда тобора кам шубҳа уйғотмоқда. Шу билан бирга, асосий иқтисодий таърифлар, бошқарув ҳисоби воситаларидан фойдаланишнинг янги истиқболли соҳаларини талқин қилиш, объектлар, предмет ва усулларга аниқлик киритиш борасидаги йигирма йиллик баҳс-мунозаралар даври иқтисодий субъект ҳаётий даврининг турли босқичларида ва бозорнинг ўзгарувчан ташқи конъюнктурасида иқтисодиётнинг аксарият секторлари учун бир хил самарали бўлган ягона унификацияланган усулларнинг ишлаб чиқилишига олиб келмади. Бу ҳолат кўп жиҳатдан миллий ўзига хослик ва юзага келган ҳисоб-бошқарув амалиёти нуқтаи назаридан мазкур соҳада кўп сонли тадқиқотларнинг пайдо бўлганлигини изоҳлади, лекин бир қатор масалалар ҳозирги муаллифлар ва бошқарув ҳисоби соҳасидаги мутахассислар баҳс-мунозараларининг мавзуси бўлиб қолмоқда.

Адабиётлар таҳлили. Мустақиллик йилларда мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан иқтисодиёт тармоқларида бошқарув ҳисобини ташкил этиш ва такомиллаштириш борасида бир қатор тадқиқотлар олиб борилган. Бир қатор муаллифларнинг фикрича, "Замонавий бошқарув ҳисоби фақатгина харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархи калькуляцияси билан шуғулланибгина қолмасдан, балки корхона раҳбарига жорий ва истиқболли бошқарув қарорлари қабул қилишида кўмаклашиши зарур" лигини таъкидлайдилар [5]. Шу билан бир-

га, саноат иқтисодиёти тармоқларида бошқарув ҳисобини ташкил этиш борасида ҳам бир қатор тадқиқотлар олиб борилган, жумладан Н.Б.Абдусаломова[6] қора металлургия саноатида бошқарув ҳисобини ташкил этиш ва бюджетлаштириш йўналишида, Б.Ю.Махсудов [10] пахта саноати корхоналарида бошқарув ҳисобини такомиллаштириш, Л.А.Эшонкулов[11] эса мева-сабзавотни қайта ишлаш корхоналарида бошқарув ҳисобини ташкил этиш ва такомиллаштириш борасида олиб бориган тадқиқотларида бевосита харажатлар таснифи, маҳсулот таннархини калькуляция қилиш ҳамда бюджетлаштиришнинг хавфиззлик маржаси борасида тадқиқотлар олиб борган. Россияда бухгалтерия ҳисоби тизимининг ислоҳ қилиниши инглиззабон мамлакатлар тажрибасига таянилган ҳолда ҳалқаро стандартлар билан яқинлаштириш йўлидан бормоқда. О.В.Рожнова таъкидлаганидек, ушбу мамлакатларда, "ҳисботларнинг учта тури ажратилади: молиявий, солиқ ва бошқарув. Бу, ўз навбатида, ҳисботларнинг (ҳисобнинг) учта турини расман тан олиш зарурлигидан далолат беради" [9]. Бироқ ушбу масала ҳамон мунозаралигича қолмоқда.

Бизнинг фикримизча, замонавий бошқарув ҳисоби методологиясининг концептуал ва амалий асосларини ривожлантиришнинг энг долзарб муаммолари жумласига қуйидаги бешта йўналишни киритиш лозим:

1) бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботлар ягона тизимида бошқарув ҳисобининг ўрни ва ролини идентификациялаш;

2) бошқарув ҳисоби методологияси ва объектларини турли омиллар таъсири остида ўзгариши;

3) бошқарув ҳисоби ва бошқа фанлар, хусусан, контроллингнинг кросс-функционал ўзаро боғлиқлиги;

4) Ўзбекистонда бошқарув ҳисобини ташкилий-услубий ривожлантириш муаммолари;

5) стратегик ҳисоб ва ҳисботларни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини танлаш.

Энди ҳар бир йўналишни батафсилроқ кўриб чиқамиз. Бошқарув ҳисобнинг концептуал-методологик асосларини ривожлантиришнинг

долзарб муаммолариға унинг воситалари шаклланиши, бошқарув ҳисоби методологиясининг шаклланиш босқичларини кўриб чиқиш, мустақил фан сифатида бошқарув ҳисобининг ўзини ўзи идентификациялаши омилларининг янги гурухларини ажратиш масалалари киради.

Бошқарув ҳисоби ривожланишининг хорижий тенденциялари таъсири остида унинг методологияси ва объектлари соҳасидаги ўзгаришлар, хусусан, барқарор ривожланиш тўғрисидаги ҳисоботлар ва интеграциялашган ҳисоботларни тузишга йўналтирилиш, “бошқарув ҳисобининг янги объекти сифатида бизнес-модель” Н.В.Малиновская [3], В.Г.Когденко, М.В.Мельник [4], Ш.Т.Эргашева, Н.Б.Абдусаломова, Б.А.Хасанов ва бошқаларнинг ишларида ёритилган[7]. Муаммоларнинг ушбу гурухида ташқи муҳитни мониторинг қилиш зарурати, бошқарув ҳисобининг иқтисодиётдаги даврий жараёнларга боғлиқлиги ва молиявий ҳисоб тизимида янги бўлмаган янги ҳисоб объектларининг пайдо бўлишини ажратиш мумкин.

Бизнинг назаримизда, кейинги муаммо мамлакатда бошқарув ҳисобининг ривожланишига услубий раҳбарликни амалга оширувчи ихтисослашган органнинг таъсис этилиши, “Бошқарув ҳисоби мутахассиси” профессионал стандартининг ишлаб чиқилиши ва бошқа тадбирларнинг амалга оширилишини талаб қилувчи ташкилий узилганлик ва инфратузилмавий ривожланмаганлиқдир.

Бешинчи муаммо стратегик ҳисоб ва ҳисоботларни янада ривожлантиришнинг энг истиқболли йўналишларини танлаш ҳамда умуман, бошқарувнинг прогноз қилиш функцияси аҳамиятини оширишдан иборат.

Бизнингча, бошқарув ҳисоби янада ривожланишнинг муҳим истиқболларига эга бўлиб, улар муаллифларнинг иқтисодий субъектнинг ташқи муҳитини ҳисобга олиш ва мониторинг қилишга бағишлиланган кам сонли тадқиқотларида яширинган. Тадқиқотларнинг аксарияти, кўпинча, ишлаб чиқариш ҳисобининг шусиз ҳам бой тажрибасини ривожлантирган ҳолда, ҳисоблашнинг анъанавий ёки инновацион усулларини қўллаш ҳисобидан иқтисодий фаолиятнинг турли соҳаларида харажатларни ҳисобга олиш ва ҳақиқий харажатларни ҳисоблаш масалаларига бағишлиланган. Шу билан бирга, менежментдаги тобора кўпайиб бораётган янги йўналишларни ахборот билан таъминлаш масалалари қисман ўрганилган ёки умуман тадқиқ этилмай қолмоқда.

Шу нуқтаи назардан, KPI-технологияларни қўллаш, иқтисодий субъектнинг бизнес моделини шакллантириш ва амалга ошириш жараёнини ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш, барқарор ривожланиш ҳақидаги ҳисоботларни (ин-

теграциялашган ҳисоботларни) тузиш, қийматни яратиш занжирини таҳлилий таъминлаш, мутаносиблаштирилган кўрсаткичларнинг (молиявий ва номолиявий самарадорлик индикаторлари) асосий тизимларини ишлаб чиқиш ва бошқа йўналишлар муаммолари кейинги тадқиқотлар учун устувор ҳисобланади. Бошқарув ҳисоби тизими ҳам ички корпоратив муҳит, ҳам ташқи муҳит таъсири остида катта ўзгаришларни бошдан кечираётганлиги тобора ойдинлашиб бормоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, бошқарув ҳисоби унинг воситалари ва усулларини миллий иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятларига мослаштириш ва уни мамлакатимизда юритишнинг зарурлиги борасида давом этаётган баҳс-мунозораларнинг бутун даври мобайнида хорижий мамлакатларда узлуксиз ривожланди. Жаҳон бозорларида фаолият юритаётган транс-миллий компанияларда интеграциялашган ҳисоботларни тузиш масалалари долзарб бўлиб бораётган бир пайтда мамлакатимизда ҳисоботлар етарлича таҳлил қилинмаганлиги боис ҳар доим ҳам аксарият фойдаланувчиларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондирмайди.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот ишини бажаришда методологик база бўлиб маълумотларни тўплаш, кузатиш, меъёрий-хуқуқий хужжатларни ўрганиш асосида тадқиқотнинг иқтисодий муносабатларни ва уларнинг ривожланишидаги ҳодисаларни ҳамда ўзаро боғлиқликларни ўрганишга нисбатан ялпи ва тизимли ёндашувларни назарда тутувчи умумий илмий принциплари хизмат қилди. Тизимли ёндашув бошқарув ҳисоби тушунчасига аниқлик киритиш, бошқарув ҳисоби тизимини шакллантириш концепциясини ҳамда бошқарув ҳисоби ривожланиш даражасини белгилаш учун қўлланildi. Бошқарув ҳисобини ташкил этиш, бошқарув ҳисоби, хизматлар соҳасининг умумий овқатланиш тармоғи корхоналарини бошқариш соҳасида тадқиқотлар ўтказишни белгилаб берди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Мустақил ҳисоб йўналиши сифатида миллий бошқарув ҳисоби ўзини ўзи идентификациялашининг тарихий масалалари ҳозирги муаллифларнинг тадқиқотларида тўртта позиция бўйича тақдим этилган:

1. Олимларнинг биринчи гурухи бошқарув ҳисобини социалистик давр иқтисодиётида бой тажрибага эга бўлган ишлаб чиқариш ҳисоби билан бир хил деб ҳисоблаган, чунки Фарбадигига қараганда, анча узоқ тарихга эга бўлган миллий ҳисоблаш мактаби режали иқтисодиёт даврида ҳисоб юритиш тафаккурининг асоси ҳисобланарди.

2. Муаллифларнинг иккинчи гуруҳи бош-

қарув ҳисобини иқтисодий субъектни бошқариш тизимининг бир қисми сифатида таърифлаган, бу, ўз навбатида, ушбу фаннинг эътиборини нафақат ҳисоб юритиш, балки режалаштириш, назорат ва таҳлил қилиш, нормалаш ва прогнозлаш масалаларига ҳам қаратади.

3. Муаллифларнинг учинчи гурӯҳи бошқарув ҳисоби ва бухгалтерия ҳисобини иккита мустақил ахборот тизими сифатида ажратган.

4. Олимларнинг тўртинчи гурӯҳи бошқарув ҳисоби бухгалтерия ҳисоби тизимида ишлаб чиқариш ҳисобининг вазифаларини тақоролрайди, деб ҳисоблаган ва шунинг учун уни мустақил йўналишга ажратмаган.

Хозирги вақтда бошқарув ҳисобини ажратиш зарурлиги борасида барқарор фикр шаклланган бўлиб, тўртинчи концепция инкор этилди. Бироқ миллий ўзига хос хусусиятлар, ҳисоб юритиш ишининг тарихан юзага келган тажрибаси, бухгалтерия маълумотларидан фойдаланувчиларнинг анъаналари ва менталитети нуқтаи назаридан уни янада ривожлантириш истиқболлари борасидаги масалалар баҳс-мунозаралигича қолмоқда. Шу муносабат билан ушбу тадқиқот жараёнида миллий бухгалтерия тафкурининг генезисига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Айрим олимлар бошқарув ҳисобининг пайдо бўлишини хўжалик ҳисоби муносабатларининг эволюцияси билан боғлайдилар. Чунончи, В.Ф.Палийнинг таъкидлашича, “бошқарув ҳисоби ҳисоб юритиш доирасидан ташқарига чиқади. Бу ички хўжалик бошқарувининг ўтмишда яхши таниш бўлган ички хўжалик ҳисобкитобига жуда ўхшаш, бозор иқтисодиёти шароитига мослаштирилган комплекс усулидир”. Лекин, шу билан бирга, уларнинг рағбатлантириши бошқарув ҳисобини ривожлантириш учун асос бўладиган иқтисодий негизга эга эмаслиги аниқ. Хўжалик ҳисоби иқтисодий жиҳатдан нерентабел ва зарар кўриб ишловчи хўжаликларнинг тугатилишига олиб келмади, яъни у ракобат кураши механизми эмас эди. Ҳисоб юритиш тизимида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий аҳволини баҳолашга қаратилмаган ва бошқарув қарорларини қабул қилиш учун восита сифатида фойдаланилмаган иқтисодий таҳлил усулларидан ихтиёрий равишда фойдаланиш, баробарлаштириш, аслида эса зарарларни қоплаш мақсадида молиявий натижаларнинг сунъий равишда қайта тақсимланиши туфайли юзага келган кўплаб камчиликлар мавжуд эди. Алоҳида тадқиқотларда қайд этилишича, юзага келган шароитда хўжалик ҳисобининг қўлланилиши ички ҳисобнинг ривожланишига туртки берди, лекин бошқарув ҳисобининг тўлиқ жорий этилишига имкон бермади.

Умуман олганда, режали иқтисодиёти дав-

ри бошқарув ҳисобининг генезиси доирасида ажралиб туради. Бир томондан, айнан ушбу даврда ҳозиргача бошқарув ҳисобининг муҳим қисми ҳисобланган ишлаб чиқариш ҳисоби шаклланиб, сезиларли даражада ривожланди, харажатларни норматив ҳисобга олиш тизими кенг тарқалди, харажатларни ҳисобга олишнинг буюртмали, чегаравий ва жараёнли усулларини қўллашнинг тармоқ жиҳатлари тақомиллаштирилди, саноат, техник ва молиявий режани тузиш асосида бюджетлаштиришни ривожлантириш учун методологик ва эмпирик база яратилди. Фарbdагига қараганда анча узоқ тарихга эга бўлган миллий ҳисоблаш мактаби режали иқтисодиёти даврида ҳисоб юритиш тафкурининг асоси ҳисобланарди.

Шу билан бирга, таҳлилий таъминот воситалари бошқарув қарорларини қабул қилишга қаратилмаган, бу ҳисоб юритиш тартиботларининг аналитик функциясини сезиларли даражада чекларди.

Айни пайтда мамлакат хўжалик юритувчи субъектларининг фаолият кўрсатиши амалиёти бошқарув ҳисобининг мустақил тизими йўқлигини кўрсатмоқда, у, одатда, бухгалтерия молиявий ҳисобига асосланади, бу, бир томондан, “ретроспективлик чегараларини” бартараф қилиш имконини бермайди, лекин иккинчи томондан, иқтисодий субъектларни бошқаришнинг ягона тизимида ахборот оқимларини синхронлаштиришга ёрдам беради. Кўплаб олимлар ва мутахассислар бошқарув қарорларини қабул қилиш учун бухгалтерия молиявий ҳисоби маълумотларидан фойдаланиш объектив сабабларга кўра уларнинг самарадорлигини пасайтиришига эътибор қаратиб, бошқарув ҳисобининг бухгалтерия молиявий ҳисобига боғлиқ бўлмаган мустақил тизимини шакллантириш зарурлигини таъкидлайдилар. Бу менежерлар томонидан бошқарув қарорларининг қабул қилиниши учун ҳисоб юритишнинг бир неча бошқа объектларига қаратилган мутлақо бошқача платформани тузишни талаб қиласди.

Халқаро амалиётда бошқарув ҳисоби бухгалтерия молиявий ҳисоби тизимида алоҳида ажратилган тарзда ишлаб, ўзининг мустақиллигини кўрсатди. Менежерлар учун ахборотни ишлаб чиқиш нуқтаи назаридан бундай ёндашув, бизнингча, янада самарали ҳисобланади. Бироқ тадқиқотда биз бугунги кунда маҳаллий хўжалик юритувчи субъектларда бошқарув ҳисобининг мустақил тизимини тузишга бир қатор объектив ва субъектив омиллар тўйқинлик қилаётганлигини тушунишдан келиб чиқамиз. Биз ўтказган бошқарув ҳисоби соҳасидаги мутахассислар фикрларининг эксперт сўрови натижалари шуни кўрсатдикли, фақат кам сонли хўжалик юритувчи субъектларгина бошқарув

хисобининг тўлақонли тизими тузиш йўлидан бормоқда (“ҳисоб юритувчи ходимлар” фокус-гуруҳидаги респондентларнинг 35,4 %), хўжалик юритувчи субъектларнинг аксарияти унинг фақат айрим элементларинигина жорий этмоқда (53,85 %).

Олинган маълумотлар, умуман олганда, туташ худудларда олиб борилган тадқиқотлар билан таққосланади. Масалан, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳридаги хўжалик юритувчи субъектлар орасида ўтказилган сўров натижаларига кўра шу нарса аниқландики, сўровда қатнашган фирмаларнинг 51 фоизи бошқарув ҳисобини қўллайди. Бундан ташқари ушбу тадқиқотда иқтисодий субъектларнинг фақат 1 фоизигина ўз фаолиятида стратегик ҳисоб юритишдан фойдаланиши аниқланди, бунда респондентларнинг 92 фоизи хўжалик юритувчи субъектларнинг ташқи омилларга юқори даражада боғлиқлигини қайд этишиди.

Албатта, бухгалтерия молиявий ҳисоби билан бухгалтерия бошқарув ҳисоби ўртасидаги ахборот оқимлари масаласи кейинги илмий ўрганиш ва амалий жиҳатдан ишлаб чиқиши талаб қиласидаги баҳс-мунозарали масала ҳисобланади.

Шундай қилиб, бошқарув ҳисобини методологик жиҳатдан ривожлантириш имкониятлари ва чеклагичлари кўпинча ушбу илмий ўй-

налишнинг мустақиллигини талқин этиш муаммоларига дуч келади. Мазкур йўналишни республикамиизда ҳам, халқаро амалиётда ҳам кўп олимлар “харажатлар ҳисоби” атамаси билан бир хил деб ҳисоблайдилар, яъни улар ўртасидаги аниқ чегарани белгилашга қўйналишади. Бу кўп жиҳатдан унинг воситалари, ахборотни ҳосил қилиш мақсадлари ва усулларини чеклайди.

Яна бир нуқтаи назар мавжуд бўлиб, унга кўра бошқарув ҳисоби “бизнесни бошқариш тизимини зарур маълумотлар билан таъминловчи турли маълумотларини йиғиши, тайёрлаш ва аналитик қайта ишлаш жараёнларини” ўз ичига олувчи янада кенг атама ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, сўралган респондентларнинг 58,3 фоизи иккинчи нуқтаи назарга қўшилади, унга кўра “бошқарув ҳисоби иқтисодий субъектни бошқариш тизимининг ҳисоб юритишдан ташқари бир қатор бошқа функциялар: режалаштириш, назорат ва таҳлил қилиш, нормалаш ва прогнозлашни ўз ичига олувчи бир қисмидир” ва респондентларнинг 25 фоизигина “бошқарув ҳисоби, асосан, харажатларни бошқаришга қаратилган ишлаб чиқариш ҳисобидир. Бошқарув ҳисоби бухгалтерия ҳисобининг айрим функцияларини тақрорлайди” деган фикрга қўшилади (1-жадвал).

1-жадвал

**Респондентларнинг бошқарув ҳисобининг мустақиллиги борасидаги фикрлари тақсимоти
(сўралганлар сонидан % ҳисобида)***

	Фокус-гурух			Барча респондентлар бўйича жами
	Олимлар	Ҳисоб юритувчи ходимлар	Фойдаланувчилар	
Бошқарув ҳисоби ўз мақсадлари, воситалари ва усулларига эга бўлган ҳисоб-таҳлилий ишларнинг мустақил йўналиши ҳисобланади. Бошқарув ва бухгалтерия ҳисоби – иккита мустақил ахборот тизими	11,8	5,9	22,2	10,0
Бошқарув ҳисоби, биринчи навбатда, харажатларни бошқаришга йўналтирилган ишлаб чиқариш ҳисоби ҳисобланади. Бошқарув ҳисоби бухгалтерия ҳисобининг айрим функцияларини тақрорлайди	17,6	29,4	22,2	25,0
Бошқарув ҳисоби иқтисодий субъектни бошқариш тизимининг ҳисоб юритишдан ташқари бошқа бир қатор қўйидаги функцияларни ўз ичига олувчи бир қисмидир: режалаштириш, назорат қилиш, таҳлил қилиш, нормалаш ва прогноз қилиш	64,7	55,9	55,6	58,3
Бошқарув ҳисоби мустақил йўналиш ҳисобланмайди, балки бухгалтерия молиявий ҳисоб тизимига киради	5,9	8,8	0,0	6,7
Жами:	100,0	100,0	100,0	100,0

Манба: муаллиф ишланмаси.

Бошқарув ҳисоби олдида турган мақсадларни талқин қилиш, ҳисобга олиш объектлари ва уни амалга ошириш субъектлари, бошқарув ҳисоби соҳасидаги мутахассислар эга бўлиши лозим бўлган ваколатлар масалалари ҳам қисман ўрганилган ва баҳс-мунозарали масалалар-

дир. Бошқарув ҳисоби тизимида ахборот ҳосил қилиш учун воситалар ва технологиялар таркиби ҳамда унинг турдош фанлар билан ўзаро боғлиқлиги механизми ноаниқликни келтириб чиқаради.

Хулоса ва таклифлар. Юқорида таъриф-

ланган бошқарув ҳисобининг концептуал “конструкцияси”ни белгилаб берувчи муаммолар борасидаги фикрлардан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш мумкинки, бизнингча, янги илмий йўналиш – бошқарув ҳисобининг инқирозга қарши моделини асослаш бўйича илмий фаразияларни изчил илгари суриш ва амалга оширишга асосланади. Тадқиқотнинг асосий фаразияси бошқарув ҳисобининг амалдаги тизими иқтисодиётдаги инқироз шароитида ташкилий-услубий тузатишларсиз фойдаланилиши мумкин эмаслиги ҳақидаги тахминдир. Фаразиянинг таркибий қисмлари тадқиқотда изчил ўрганиладиган қўйидаги тахминлардан иборат:

- бошқарув ҳисоби – иқтисодиётдаги табиий-эволюцион ва даврий жараёнлар таъсири остида шаклланган мустақил ҳисоб юритиш

йўналиши;

- иқтисодиётдаги танг жараёнлар бошқарув ҳисоби методологиясининг вужудга келишига ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатган ҳолда ҳисоб юритиш тафаккурининг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатади;

- бошқарув ҳисобининг тизимли моҳияти иқтисодий субъект фаолиятининг ўзига хослигини ва уни амалга оширишнинг аниқ моделини белгиловчи микро ва макромухит омилларини конфигурациялашда намоён бўлади;

- инқироз шароитида бошқарув ҳисоби моделининг модификацияланган варианти – имманент воситаларга, шунингдек, ўз тамойиллари, функциялари ва мақсадларига эга бўлган инқирозга қарши вариантини қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуни (янги таҳрири). 2016 йил 13 апрель. № 404. www.lex.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишиланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислоҳотлар ўйланиш қатъий давом эттирамиз” мавзусидаги нутқи. <https://president.uz/uz/lists/view/4743>
3. Малиновская Н.В. Интегрированная отчетность – инновационная модель корпоративной отчетности. / Н.В.Малиновская. // Международный бухгалтерский учет. 2013. № 38. С. 12-17.
4. Когденко В.Г. Интегрированная отчетность: вопросы формирования и анализа. / В.Г.Когденко, М.В.Мельник. // Международный бухгалтерский учет. 2014. № 10. С. 2-15.
5. Эргашева Ш.Т., Хасанова Р.Б. Чет мамлакатларда бухгалтерия ҳисоби. Монография. – Т.: Fan va texnologiya, 2017. – 147 бет.
6. Ergasheva Sh., Ibragimov A.K., Rizayev N.K., Ibragimova I.R. Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari. O'quv qo'llanma. – Т.: Iqtisodiyot, 2019. – 227 bet.
7. Ergasheva Sh., Abdusalomova N.B. Boshqaruv hisobi. Darslik. – Т.: Iqtisodiyot, 2019. – 180 bet.
8. Xasanov B.A., Nurmanov K.T., Xasanova R.B. Zamonaviy boshqaruv hisobi. Darslik. – Т.: “LESSON PRESS” nashiriyoti, 2021. 12-b.
9. Абдусаломова Н.Б. Бошқарув ҳисоби тизимининг ривожланиши ва тақомиллаштириши ўналишлари. // “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy-elektron jurnali. 3-сон, 2019. 45-56-б. <http://iqtisodiyot.tsue.uz>
10. Махсудов Б.Ю. Пахта тозалаш корхоналарида бюджетлаштириши тақомиллаштиришда хориж тажрибасидан фойдаланиш масалалари. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий-электрон журнали. 1-сон, 2017. <http://iqtisodiyot.tsue.uz>
11. Eshonkulov L.A. Industry-based peculiarities of making estimation of expenditure accounting and prime-cost of production at fruits and vegetables processing plant. // International Journal of Research in Social Sciences. 126-135 page. Vol. 10 Issue 03, March 2020 ISSN: 2249-2496 (№5; Global Impact Factor: 0.564).
12. Рожнова О.В. Управленческий учет как глобальная учетная наука. // Учет. Анализ. Аудит. 2015 г. № 6. С. 17-25.



ҚУРИЛИШ КОРХОНАЛАРИДА БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИИ ТАШКИЛ ЭТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Тулолов Эркинжон Тўлқин ўғли -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
таянч докторанти

doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a25

Аннотация. Мақолада қурилиш ташкилотларида бошқарув ҳисобини тақомиллаштиришининг аҳамияти тадқиқ қилинган. Тадқиқотлар натижасида қурилиш ташкилотларида бошқарув ҳисобининг муаммолари аниқланган ва уларни бартараф этиши бўйича тақлифлар ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: қурилиш, қурилиш ташкилоти, бошқарув ҳисоби, молиявий ҳисоб, стандартлаштириш, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари.